



## ИННОВАЦИОН ИҚТІСОДИЁТДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдувахидов Акмал Абдулазизович**

*Гулистан давлат университети доценти,*

**Эшпұлатов Достонбек Баходир ўғли**

*Гулистан давлат университети ўқытуvчиси,*

**Нурмухаммедова Мухтабар Хасановна**

*Гулистан давлат университети катта ўқытуvчиси,*

**Қаршибаев Олимжон Исматулла ўғли**

*Гулистан давлат университети магистранти*

[doi:\[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\\_iss6/a3\]\(https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\_iss6/a3\)](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a3)

**Аннотация.** Дунё мамлакатларининг ривожланиши амалиётни кўрсатадики, импортга боғлиқлик шароитида ушбу муаммоларни импортни ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этишига асосланган иқтисодий ўсишини рағбатлантириши орқали ҳал қилиш мумкин. Шу муносабат билан, импорт ўрнини босувчи ўсишининг асосий ўйналишиларини аниқлаш борасида инновацион иқтисодиётга ўтиши шароитида импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқариши масалалари мазкур илмий мақола доирасида кўриб чиқилади.

**Ключевые слова:** инновацион иқтисодиёт, иқтисодиёт тармоқлари, саноат, импорт ўрнини босиши, маҳаллийлаштириш, "билимлар иқтисодиёті", "яшил иқтисодиёт", яшил технологиялар, инсон капитали, аҳоли турмуш фаровонлиги, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, юқори технологик маҳсулотлар.

## ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ИМПОРТОЗАМЕЩАЕМОГО ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА В ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Абдувахидов Акмал Абдулазизович**

*доцент Гулистанского государственного университета,*

**Эшпұлатов Достонбек Баходир ўғли**

*преподаватель Гулистанского государственного университета,*

**Нурмухаммедова Мухтабар Хасановна**

*старший преподаватель Гулистанского*

*государственного университета,*

**Каршибаев Олимжон Исматулла ўғли**

*магистрант Гулистанского государственного университета*

**Аннотация.** Практика развития стран мира показывает, что в условиях зависимости от импорта эти проблемы могут быть решены путем стимулирования экономического роста, в основе которого лежит организация промышленных производств, замещающих импорт. В связи с этим в рамках данной научной статьи будут рассмотрены вопросы промышленного производства импортозамещающих товаров в контексте перехода к инновационной экономике при определении основных направлений роста импортозамещения.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, отрасли экономики, промышленность, импортозамещение, локализация, "экономика знаний", "зеленая экономика", зеленые технологии, человеческий капитал, уровень жизни населения, конкурентоспособность национальной экономики, высокотехнологичная продукция.

## ISSUES OF THE ORGANIZATION OF IMPORT-SUBSTITUTING INDUSTRIAL PRODUCTION IN THE INNOVATIVE ECONOMY

**Abduvakhidov Akmal Abdulazizovich**

*Associate Professor of Gulistan state university,*

**Eshpulatov Dostonbek Bahodir ugli**

*lecturer at Gulistan state university,*

**Nurmukhammedova Mukhtabar Khasanovna**

*Senior lecturer of Gulistan state university,*

**Karshibaev Olimjon Ismatulla ugli**

*Master's student of Gulistan State University*

**Annotation.** The practice of developing countries of the world shows that in conditions of dependence on imports, these problems can be solved by stimulating economic growth, which is based on the organization of industrial production that replaces imports. In this regard, within the framework of this scientific article, the issues of industrial production of import-substituting goods in the context of the transition to an innovative economy in determining the main directions of import substitution growth will be considered.

**Keywords:** innovative economy, economic sectors, industry, import substitution, localization, "knowledge economy", "green economy", green technologies, human capital, standard of living of the population, competitiveness of the national economy, high-tech products.

**Кириш.** Жаҳонда тарақкӣ этган ва ривожланаётган мамлакатларда бугунги кунда саноат сиёсатига қизиқиш кун сайн ортиб боромоқда. UNCTAD маълумотларига кўра, кейинги беш давомида дунё ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқарувчи қарийб 80 дан ортиқ мамлакатлар томонидан саноатни ривожлантириш борасида истиқболли стратегиялар ишлаб чиқилган ва бугунги кунда улардан амалда кенг фойдаланиб келинмоқда[1]. Ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган саноат сиёсатининг янги авлоди ўз олдига қўйилган мақсадларнинг хилма-хиллиги ва фавқулодда мураккаблиги билан алоҳида ажralиб туради. Жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида ишлаб чиқаришнинг пасайишини қоплаш зарурати; бугунги кунда дунёда саноатлаштириш сиёсатининг янги ўйғониш даврига қадам қўйиши, мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига интилиш борасидаги ялпи интилишлари дунё мамлакатларида саноат сиёсатининг ўйғониш даври ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

БМТ инқироздан кейинги даврларда жаҳон иқтисодиётини тиклашда турли хил иқтисодий тебранишларга нисбатан барқарор бўлган дунё иқтисодий моделини яратиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, "яшил технологиялар"ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

2022 йилнинг май ойида Жаҳон банки иккинчи марта Ўзбекистон учун мамлакатнинг тизимили диагностик тадқиқотларини эълон қилди[2]. Унда ҳукumat учун хусусий сектор ўсишидаги борасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини чеклаш, инсон капиталини ривожлантириш ва мамлакатни "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича тавсиялар мавжуд.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартишишларни чуқурлаштириш, миллий иқти-садиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради. Янги Ўзбекистон Стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланади[3].

Истиқболда саноатни ривожлантиришнинг асосий мақсади илғор саноат технологияларини жорий этиш учун бутун жаҳон технолого-гик муҳитига интеграциялашиш орқали саноат ишлаб чиқаришининг барқарорлиги ва тузилмавий жиҳатдан мувозанатлашганинг таъминлаш асносида саноат ишлаб чиқаришининг жаҳон хўжалигида рақобатбардошлигига эришидан иборатдир. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳада илмий изланишлар олиб боришни долзарб қилиб қўяди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий адабиётларда импорт ўрнини босиши кўпинча, саноат товарларни ички бозорини ривожлантириш ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратиллган мақсадли чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунтирилади[4].

Масаланинг ушбу жиҳатларига неокейнс-чилик мактабининг вакиллари Н. Картер, П. Линдерт [5], Х. Ченери [6] тўхталиб ўтишган. Мазкур олимларнинг асарларида импорт ўрнини босиши "...саноатлаштириш босқичида ички бозорда талаб қилинадиган саноат товарлари импортини миллий ишлаб чиқариш товарлари билан алмаштиришга қаратилган давлатнинг иқтисодий стратегияси ва саноат сиёсатининг бир тури" сифатида талқин қилинади [6].

Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш асосида мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг баъзи бир жиҳатлари Ж. М. Кейнс, Ж. Итуелл, Р. Прешиб каби хорижлик олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган [7].

Хусусан, Аргентиналик иқтисодчи Р. Прешиб кейинчалик Х. Зингер томонидан ривожлантирилган концепцияни ишлаб чиқсан, мазкур концепция "Зингер-Прешиб" номини олган, унга кўра, шарт-шароитлар шундай ўзгарадики, халқаро савдодан асосий фойда яқуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатлар томонидан олинади, хомашёга асосланган иқтисодиётлар эса уларни импорт қилишга мажбур бўлади. Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга асосланган саноат сиёсати ва шу асосда миллий хўжалиқда иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари таркиб топган бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари нуқтаи назаридан қараб чиқилган [8].

Импорт ўрнини босиши масалалари бўйича етакчи Россияллик олимлардан бири А.П. Киреев импорт ўрнини босиши масалаларига тўхтатар экан, импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ташқи иқтисодий шароитларини яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди [9].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Х.П. Абулқосимов иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан импорт ўрнини

босиш ва маҳаллийлаштиришга асосланган саноат сиёсатини амалга ошириш масалаларини таҳлил қилган бўлса[13], А. В. Ваҳабов жаҳон хўжалигида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида саноат сиёсатини таҳлил қиласди, хусусан, импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини амалга оширишда мамлакат миллий кадрлардан фойдаланишга устиворлик бериши лозимлигини уқтиради[14].


Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш масалалари С.В. Чепель[15] тадқиқотларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, ўрганилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, импорт ўрнини босиш хусусияти, уни таснифлаш белгилари ва ўтиш даври иқтисодиётидаги рағбатлантириш механизмлари каби масалалар ҳал этилмаган ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини яхшилаш бўйича кўплаб таклифлар ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятларини тизимлаштириш; импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишга асосланган иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг мақбул турини танлашни асослаш; мамлакат саноатининг импорт ўрнини босувчи имкониятларини кўриб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш каби вазифаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, тадқиқот жараёнида статистик ва эконометрик таҳлил, умумлаштириш,

гурухлаш, таснифлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, таққослама таҳлил ва ўзаро қиёслаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижа.** Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг ривожланиш амалиёти шуни кўрсатадики, импортга боғлиқлик шароитида ушбу муаммоларни импортни ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этишга асосланган иқтисодий ўсишни рағбатлантириш орқали ҳал қилиш мумкин. Шу муносабат билан, импорт ўрнини босувчи ўсишнинг асосий йўналишларини аниқлаш борасида ўтиш иқтисодиётни шароитида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга асосланган иқтисодий ўсиш муаммоларини кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Импорт ўрнини босиш жараёнини бир томондан худуд ва умуман мамлакатнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқиш воситаси сифатида, иккинчи томондан эса – экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий омили сифатида қараб чиқишимиз мумкин. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнларини изчил амалга ошириш мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қиласди. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитидамаҳаллий импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни такомиллаштириш ички бозорлардан импорт товарларни сиқиб чиқаришга шароит яратган ҳолда, узоқ муддатли шароитда мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти муносабатларидағи ўрнини мустаҳкамлашга ва экспортни кўпайтиришга хизмат қиласди [13].



**1-расм. "Импорт ўрнини босиш" тушунчасининг таърифи борасидаги ёндашувлар**

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Импорт ўрнини босиш ғояси импортнинг улушини камайтиришга асосланади. Ушбу мақсадга эришиш мақсадида мамлакат ҳукумати рақобатбардошликтин қўллаб-кувватлаш асносида маҳаллий ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга эътибор қаратади. Бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан "импорт ўрнини босиш" тушунчаси турлича талқин қилинади. Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар

импорт ўрнини босиш категориясини талқин қилиш борасида турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, ушбу ёндашувлар доирасида импорт ўрнини босиш ҳар жиҳатдан ёритилади (1-расм). Бир гурух олим ва тадқиқотчилар импорт ўрнини босишни иқтисодий сиёсатнинг бир кўриниши сифатида талқин қилишса, яна бир гурух олимлар эса, мазкур категорияни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлаш

мақсадида амалга оширилувчи табиий жараён сифатида талқин қиласылар.

Бугунги кунда иқтисодий жараёнлар ривожланишининг жорий босқичини ишлаб чиқаришнинг илмий-техник йўналишисиз тасаввур қилиш ўта мушкул. Шу сабабли инновацион иқтисодиёт шароитида импорт ўрнини босиш

жараёнларини чуқур таҳлил қилиш талаб қилинади. Импорт ўрнини босиш жараёнлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида импорт ўрнини босиши тартибга солишнинг қуидаги ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш талаб қилинади (2-расм).

Iqtisodiyotning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi omili sifatida iqtisodiy tsikl bosqichlarini hisobga olish.

Barqaror rivojlanish maqsadlariga muvofiqligi

Import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar yaratishga e’tibor qaratish

Erkin qitisodiy zonalarni kengaytirish

Import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar eksportiga yo’naltirish

## **2-расм. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнларини тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари**

**Манба:** адабиётлар таҳлили асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Миллий иқтисодиётни халқаро меҳнат тақсимоти тизимиға киритишнинг кўриб чиқилган асосий моделлари ушбу жараённинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида қуидаги хуносалар чиқаришимизга имкон беради.

**Биринчидан,** жаҳон хўжалиги тизимиға фаол интеграциялашиб кириш мамлакат иқтисодий мажмууни муйян бир тармоқ ва соҳаларга ихтисослаштириш ва бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги миллий устунликларни изчил рӯёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

**Иккинчидан,** ташқи бозорларда кучли рақобат муҳитида фаолият олиб бориш миллий хўжалик мажмууни таркибий жиҳатдан қайта қуришнинг “пойдевори” бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган миллий иқтисодиётнинг энг самарали тармоқ ва соҳаларини аниқлаштиришга имкон беради.

**Учинчидан,** мамлакатнинг қиёсий устунликлари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш ва улардан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.


Ўз табиатига кўра, халқаро меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали ихтисослашувига асосланган алоҳида давлатлар ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланишининг муҳим босқичи сифатида эътироф этилади. Бундай ихтисослашув ишлаб чиқариш натижаларининг маълум бир миқдор ва сифат нисбатларида мамлакатлар ўртасида ўзаро айрибошланишига олиб келади. Бу борада иқтисод фанлари доктори, профессор А.В.Ваҳобов таҳрири остида чоп этилган “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” номли ўқув қўлланмада қуидагича фикр юритилади: “Халқаро меҳнат тақсимотининг мөхияти ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат фаолияти шаклларининг ихтисослашуви ва кооперациялашуви ўзаро ҳамкорлигига намоён бўлади. Меҳнат тақсимоти фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида чиқади. У алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувига асосланади”[14].

Ўзини ўзи ривожлантирувчи тизим сифатида, халқаро ихтисослашув тамойилларига асосланувчи халқаро савдо ўзининг тадрижий ривожланиши ва халқаро муносабатларни такомиллаштириш жараёнида, қайд этилган қарама-

қаршиликларни бартараф этишнинг ўзига хос механизми яратса олган. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга асосланган стратегия глобал савдо тизимида мана шундай механизм вазифасини бажаради. Бу борада Е.В. Волкодавованинг “импорт ўрнини босиш - бу жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилиш борасида мамлакатнинг иқтисодий ўсишга йўналтирилган моделидир”-деган фикрини эслатиб ўтиш ўринли ҳисобланади [19].

Б.К. Фальцман ўз асарларида янги геосиёсий вазият шароитида импорт ўрнини босиш масалаларини кўриб чиқади. Унинг фикрича, импорт ўрнини босиш – бу “маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илмий-

техник ривожланиш борасидаги қолоқликни бартараф қилиш, модернизациялаш, иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг табиий жараёнидир”[20]. Иқтисодий ўсиш жараёни мазкур талқиннинг муҳим жиҳати ҳисобанади. Бошқача айтганда, бу ўринда сўз иқтисодий ўсиш жараёнларига импорт ўрнини босишнинг таъсири ҳақида боради. Импорт ўрнини босиш ва давлатнинг протекционистик сиёсатини аниқроқ тушуниш ва фарқлаш учун, бизнинг фикримизча, импорт ўрнини босишнинг асосий иқтисодий белгиларини ажратиб олиш лозим. Мазкур белгилар сирасига импорт ўрнини босишнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигини киритишимиз мумкин (3-расм).



**3-расм. Инновацион иштисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнлари модели**

**Манба:** муаллифлар ишланмаси

Юқорида тилга олиб ўтилган белгилар импорт ўрнини босиш ва протекционистик сиё-

сат ўртасидаги учта муҳим фарқни аниқлашга имкон беради.

**Биринчидан**, агар протекционистик чоратадбирлар давлат томонидан устун равишида ўз манфаатлари доирасида амалга оширилса, у ҳолда импорт ўрнини босиш мамлакат ичкарисида ўхшаш товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва импортни босқичма-босқич қисқартириш, бутун халқаро муносабатлар тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган давлатнинг қўллаб-қувватлашига асосланган ёки унингсиз ҳам мустақил жараён сифатида амалда бўлувчи объектив-шартли тизими тавсифга эга бўлади.

**Иккинчидан**, босқичма-босқич импорт ўрнини босишни амалга ошириш халқаро меҳнат тақсимотини мақбуллаштиришга кўмаклашади, ҳаддан ташқари протекционистик чоратадбирлар эса, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан яккаланиб қолишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун импорт ўрнини босиш ва маҳаллийлаштириш стратегияларини амалга ошириша мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини протекционистик чоратадбирлар билан уйғуллаштириш талаб этилади.

**Учинчидан**, ички бозорлардан импорт маҳсулотларнинг сиқиб чиқарилишидан сўнг, маҳаллий импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлар ўзининг етарлича рақобатбардошлик ва иқтисодий самарадорлик даражасини намоён эта олса, бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотларнинг юқори истеъмол хусусияти ва жозибадорлиги ҳисобига экспорт ҳажмини кўпайтиришга олиб келади.

Юқорида таклиф қилинган инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнлари модели (3-расм) нафақат импорт ўрнини босиш жараёнини шакллантириш ва амалга ошириша юзага келадиган ўзига хослик-ларни очиб беради, шу билан бир қаторда, уларнинг иқтисодиётдаги барча давом этажтган жараёнларга таъсирини аниқлашга имкон беради.

Импорт ўрнини босиш жараёнлари самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутади.

Хорижий мамлакатларнинг импорт ўрнини босиш борасида амалга оширган иқтисодий сиёсатининг саноатга таъсири қўйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

саноатни ривожлантиришда давлат ҳокимияти органларининг билвосита иштироқи;

халқаро даражада корхоналарни ривожлантириш рағбати сифатида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш;

ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда рақамли йўналишни рағбатлантириш;

нафақат импорт ўрнини босиш жараёнларига, балки ишлаб чиқаришни экспортга йўналтиришни ривожлантиришга мўлжал олиш (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### **Хорижий мамлакатларда импорт ўрнини босиш жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари**

Тармоқ	Дастаклар, воситалар	Мамлакатлар
Саноат	Инновацион ишланмаларни молиялаштиришда кичик ва ўрта корхоналарни (КўК) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва устуворлик бериш.	АҚШ, Хитой
	Максимал даражада экспортга кўмаклашиш. Экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш	Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Тайван, Малайзия, Франция
	Инновацион ишланмаларга харажатларнинг юқори даражаси	АҚШ, Жанубий Корея, Тайван, Хитой
	Якуний маҳсулот таркибида маҳаллий компонентларнинг мавжуд бўлишига бўлган талаб	АҚШ, Жанубий Корея, Тайван
	Махсус худудларни ривожлантириш: маҳсус иқтисодий зоналар(МИҲ), технопарклар, технополислар	Япония, Ҳиндистон
Қишлоқ хўжалиги	Мавжуд тармоқларни ташқи бозорда рақобатбардош қилиш мақсадида миллый маҳсулот (гуруч) ни кўпайтириш	Тайван
	Қаерда энг қулай иқлим ва юқори сифатли суғориш тизими мавжуд бўлса, ўша худудларда янги технологиялардан фойдаланиш. Ер савдосида воситачилардан бутунлай воз кечиш (фақат давлат ва фермерлар)	Ҳиндистон

**Манба:** муаллифлар томонидан тузилган.

Экспорт салоҳияти-экспортни ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш мақсадида иқтисодий тизимни ривожлантириш борасидаги потенциал имкониятлар мажмуини ифода этади. Импорт ўрнини босишининг самарали жараёнларини ривожлантириш экспорт салоҳияти ва кластер сиёсати унсурларини ўз ичига олади. Экспорт салоҳиятининг барқарор ижобий дина-

микасини таъминлаш учун унинг ривожланиш омилларини тушуниб етиш муҳим аҳамият касб этади.

Экспорт салоҳияти омиллари мавзусидаги илмий адабиётларни умумлаштириш импорт ўрнини босиш жараёнларини шакллантириш ва амалга оширишга таъсири қилувчи асосий омилларни аниқлашга имкон беради (4-расм).


Global tizim ta'siri - birinchi darajali omillar				
Bozor konyukturasi	Globallashuv	Tashqi shoklar	Sanksion siyosat	Iqtisodiy tsikl bosqichlari
Ikkinchchi darajali omillar - makrotizimning ta'siri				
Inflyatsiya darajasi, foiz stavkasi	Valyuta kursi		Rag'batlanirish dasturlari va loyihalari	
Uchinchi darajali omillar - mezotizimning ta'siri				
Innovatsion ekotizim	Tabiiy resurs salohiyati	Investitsion muhit	Eksportchilarni qo'llab-quvvatlash infratzizilmasi	Sanoat sikli bosqichi
To'rtinchchi darajali omillar - mikrotizimning ta'siri				
Global qiymat zanjirlariga kiritilganlik. Hamkorlik	Texnik va texnologik qurollanganlik darajasi	Mehnat umumidorligi darajasi	Marketing va sotish tizimi	

**4-расм. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиши жараёнларини шакллантириш ва амалга ошириш омиллари**

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиши жараёнлари самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир корхона мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг: инерцион ва инновацион ривожланиш

сценарийларини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Инерцион сценарий таъсир воситаларни инобатга олмаган ҳолда, мавжуд ҳолатни сақлаб қолишни назарда тутади.



**5-расм. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиши воситаларининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти**

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Тавсия этилган воситалар ёрдамида инновацион сценарий ишлаб чиқилади. Импорт ўрнини босувчи воситалар самарадорлигини баҳолаш услубиёти уни амалга оширишнинг икки босқичини ўз ичига олади (5-расм): сифат таҳлили ва миқдорий таҳлил.

Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналар даражасида импорт ўрнини босиш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида бир неча модулларга бўлинган кўрсаткичлар туругидан иборат баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### **Саноат корхоналарида импорт ўрнини босиш жараёнлари воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи (тайёр маълумотлар манбай)	Тавсифи
<b>“Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнларига инвестициялар модули” кўрсаткичлари</b>		
Инновацияларга кўшимча инвестицияларнинг самарадорлик коэффициенти	$\mathcal{E}p = \frac{C_1 - C_2}{\Delta K}$ <p>Буерда:  <math>C_1</math>-инновацион лойиҳани амалга оширгунча корхонанинг жорий харажатлари;  <math>C_2</math>- инновацион лойиҳани амалга оширгандан кейин корхонанинг жорий харажатлари;  <math>\Delta K</math>- инновациялар натижасида капитал кўйилмаларнинг ўзгариши</p>	<p>Инновацияларни ривожлантиришга кўшимча инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолайди.  Агар Эр=1 бўлса, таъсир ижобий.  Агар Эр=1 бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар Эр=1 бўлса, таъсир салбий.</p>
Ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг рентабеллик динамикаси коэффициенти	$KR_i = \frac{RI_2 = \frac{\Pi_2}{\Pi_{i2}} * 100\%}{RI_1 = \frac{\Pi_1}{\Pi_{i1}} * 100\%}$ <p>Бу ерда:  <math>RI_2</math> - тегишли воситалар кўлланилгандан сўнг, инвестицияларнинг рентабеллиги;  <math>RI_1</math> - тегишли воситалар жорий қилингунга қадар инвестицияларнинг рентабеллиги;  <math>P_2</math> - тегишли воситаларни кўллангунча ва ундан кейинги соғ фойда;  <math>P_1</math> - тегишли воситаларни жорий қилиш инвестицияларининг нархи</p>	<p>Импорт ўрнини босиш воситаларини жорий қилгунча ва ундан кейинги инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолайди.  Агар KRi=1 бўлса, таъсир ижобий.  Агар KRi=1 бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар KRi=1 бўлса, таъсир салбий.</p>
Инновацияларга инвестицияларнинг рентабеллик коэффициенти	$IR_i = \frac{RI_2 = \frac{In_2}{Co_2} * 100\%}{RI_1 = \frac{In_1}{Co_1} * 100\%}$ <p>Бу ерда:  <math>RI_2</math> - тегишли воситалар жорий қилингандан сўнг, инновацияларга инвестицияларнинг рентабеллиги;  <math>RI_1</math> - тегишли воситалар жорий қилингунча инвестицияларнинг рентабеллиги;  <math>In_2</math> - тегишли воситалар жорий қилингунча ва ундан кейин инновацион фаолиятдан даромадлар;  <math>In_1</math> - тегишли воситалар жорий қилингучага ва ундан кейин инновацион фаолиятта харажатлар</p>	<p>Инновацион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолайди.  Баҳолаш мезони: қанча катта бўлса, шунча яхши.  Агар IRi=1 бўлса, таъсир ижобий.  Агар IRi=1 бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар IRi=1 бўлса, таъсир салбий.</p>
<b>Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги модули кўрсаткичлари</b>		
Инновацион маҳсулотни сотишдан тушумнинг ўсиш коэффициенти	$KV = \frac{V_2 = \frac{P_2}{Q_2} * 100\%}{RI_1 = \frac{P_1}{Q_1} * 100\%}$ <p>Бу ерда:  <math>V_2</math> - тегишли воситалар жорий қилингандан кейинги тушум;  <math>V_1</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан олдинги тушум;  <math>RI_2</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейинги инновацион маҳсулот бирлигининг нархи;  <math>Qn</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейинги инновацион маҳсулот бирликлари микдори</p>	<p>Инновацион маҳсулотни сотишдан олинган пул маблагларининг ўсишини аниқлайди.  Агар KV=1 бўлса, таъсир ижобий.  Агар KV=1 бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар KV=1 бўлса, таъсир салбий.</p>
Активларнинг рентабеллик коэффициенти	$KRa = \frac{R_{a2} = \frac{P_2}{A_2} * 100\%}{R_{a1} = \frac{P_1}{A_1} * 100\%}$ <p>Бу ерда:  <math>R_{a2}</math> - тегишли воситалар жорий қилингандан кейинги активларнинг рентабеллиги;  <math>R_{a1}</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан олдин активларнинг рентабеллиги;</p>	<p>Активларга қўйилган 1 сўм ҳисобига корхона томонидан солиқ тўллангунга қадар олинган фойда динамикасини акс эттиради.  Агар KRa=1 бўлса, таъсир ижобий.  Агар KRa=1 бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар KRa=1 бўлса, таъсир салбий.</p>

## MAKROIQTISODIY SIYOSAT

	Пп – тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейинги маҳсулот сотишдан фойда; Ап - тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейинги активлар	
Маҳсулот рентабеллиги коэффициенти	$KR_p = \frac{R_{np2}}{CI_2} * 100\%$ $RI_1 = \frac{Pi}{CI_1} * 100\%$ <p>Бу ерда:  <math>R_{np2}</math> – тегишли воситалар жорий қилингандан кейинги маҳсулотнинг рентабеллиги;  <math>R_{np1}</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан олдинги маҳсулотнинг рентабеллиги;  <math>Pp</math> – тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейин маҳсулот сотишдан тушумлар;  <math>Cn</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан ва жорий қилингандан кейинги таннарх</p>	<p>Ишлаб чиқаришга жорий харажатларнинг самарадорлигини баҳолайди.  Агар <math>KR_p = 1</math> бўлса, таъсир ижобий.  Агар <math>KR_p = 1</math> бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар <math>KR_p &gt; 1</math> бўлса, таъсир салбий.</p>
<b>“Иқтисодиётда импорт ўрнини босиш жараёнларида давлатнинг иштироки модули” кўрсаткичлари</b>		
Кўллаб-кувватлаш борасида чора-тадбирлар сонининг ўсиш коэффициенти	$KQM = \frac{qM_2}{qM_1}$ <p>Бу ерда:  <math>qM_2</math> – тегишли воситалар жорий қилингандан кейин фойдаланилувчи кўллаб-кувватлаш чоралари;  <math>qM_1</math> - тегишли воситалар жорий қилингунча фойдаланилувчи кўллаб-кувватлаш чоралари</p>	<p>Корхона томонидан импорт ўрнини босиши кўллаб-кувватлаш чора-тадбирларидан фойдаланиш динамикасини кўрсатади.  Агар <math>KQM = 1</math> бўлса, таъсир ижобий.  Агар <math>KQM = 1</math> бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар <math>KQM &lt; 1</math> бўлса, таъсир салбий.</p>
Молиялаштириш ҳажмининг ўсиш коэффициенти	$V_f = \frac{V_2}{V_1}$ <p>Бу ерда:  <math>V_2</math> - тегишли воситалар жорий қилингандан кейин импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми;  <math>V_1</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан аввал импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми</p>	<p>Таклиф этилаётган воситаларни жорий этиш натижасида импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни молиялаштириш динамикасини кўрсатади.  Агар <math>V_f = 1</math> бўлса, таъсир ижобий.  Агар <math>V_f = 1</math> бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар <math>V_f &lt; 1</math> бўлса, таъсир салбий.</p>
Чакана савдо айланмаси физик ҳажмининг коэффициенти	$J = \frac{Q_{r1}}{D} \cdot Q_{r0}$ <p>Бу ерда:  <math>Q_{r1}</math> – тегишли воситалар жорий қилингандан кейин чакана савдо айланмаси;  <math>Q_{r0}</math> – тегишли воситалар жорий қилинмасдан аввал чакана савдо айланмаси;  <math>D</math> – чакана савдо айланмаси дефлятор индекси</p>	<p>Бошланғич даврга нисбатан жорий даврда товар массаси сотиш ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради.  Агар <math>J = 100</math> бўлса, таъсир ижобий.  Агар <math>J = 100</math> бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар <math>J &lt; 100</math> бўлса, таъсир салбий.</p>
<b>“Иқтисодиётда импорт ўрнини босиши жараёнларига таъсир кўрсатиши модули” кўрсаткичлари</b>		
Корхонада импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш коэффициенти	$IP = \frac{Q_{p2}}{Q_{p1}}$ <p>Бу ерда:  <math>Q_{p2}</math> - тегишли воситалар жорий қилингандан кейин импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми;  <math>Q_{p1}</math> - тегишли воситалар жорий қилинмасдан аввал импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми</p>	<p>Таклиф қилинаётган воситанинг корхонанинг импорт ўрнини босиши борасидаги фаолиятига таъсирини баҳолайди.  Агар <math>I = 1</math> бўлса, таъсир ижобий.  Агар <math>I = 1</math> бўлса, таъсир кузатилмайди.  Агар <math>I &gt; 1</math> бўлса, таъсир салбий.</p>

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Ўйлаймизки, саноат корхоналарида импорт ўрнини босиши жараёнлари самарадорлигини баҳолашда юқорида таклиф этилаётган услубиётдан фойдаланиш, импорт ўрнини босишига йўналтирилаётган харажатларни мақбуллаштириш ва тўғри йўналиш олиш имкони беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишининг услубий асосларини кўриб чиқишига хулоса ясаган ҳолда, қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

**Биринчидан**, импорт ўрнини босишининг услубий мазмунини кўриб чиқиши ва шу асосда

унинг шаклларини аниқлаш иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат учун унинг мақбул йўналишларини аниқлашга имкон беради. Амалда ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатдан бўён давом этаётган трансформацион инқизори ва мамлакатнинг импортга юқори даражада қарамлиги шароитида иккинчи даражали импорт ўрнини босиши ҳақида гапиришга ҳали эрта. Гарчи Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ресурс ва захираларининг улкан захиралари мавжуд бўлса-да, улардан фойдаланиш ҳануз ўзининг бошланғич даражасида. Шу сабабли, импорт ўрнини босиши стратегиясидан фойдаланишда хорижий ишлаб чиқариш омилларидан

(бу айниқса хорижий ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияларини жалб қилишда яққол күзга ташланади) фойдаланишини истисно қылиб бўлмайди. Бундан ташқари, протекционистик чораларсиз импорт ўрнини босишини қўллашнинг дастлабки босқичларини амалга оширишнинг имкони йўқ. Буларга қўшимча равиша, миқдорий ўсишдан сифат кўрсаткичларига ўтиб боришни ифода этувчи иқтисодий қонуннинг таъсирида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга асосланган иқтисодий ўсиш кейинчалик интенсив тавсифга эга бўлиб боради, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида импорт ҳажмини қоплаш даражаси бўйича қисман импорт ўрнини босиш мақбул ҳисобланса, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш бўйича эса – биринчи даражали импорт ўрнини босиш ўринли ҳисобланади. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг аввал бошида кузатилган турғунлик ва ишлаб чиқариш техника-технологияларининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскиргранлиги билан изоҳланади. Бундай шароитда иккинчи даражали импорт ўрнини босиш ҳақида гапириш мантиқан ўринли бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси шароитида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсишни рағбатлантириш қишлоқ хўжалигини интенсив, саноатни эса асосан экстенсив ривожлантириш ҳисобига амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шу сабабли, миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида импорт ўрнини босиш стратегиясидан фойдаланишда, халқаро стандарт-

ларга жавоб берадиган ва маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи энг янги ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияларидан кенг фойдаланишини ҳисобга олиш керак.

**Учинчидан,** импорт ўрнини босишига комплекс ёндашиш кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ҳажми ва нисбатларини белгилаб берувчи тақрор ишлаб чиқариш функциясини рағбатлантиришга имкон беради. Айни пайтда импорт ўрнини босиш орқали аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари қондирилишини рағбатлантирган ҳолда, ишлаб чиқаришни қўпайтириш борасида тегишли шарт-шароитлар яратилади. Таъкидлаш жоизки, импорт ўрнини босишига комплекс ёндашув асосида тақрор ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўйиш орқали табиий ва бошқа ресурсларни жамият истеъмол қиласиган моддий товарларга айлантирилиши таъминланади.

**Тўртинчидан,** ижтимоий жиҳатдан комплекс импорт ўрнини босишидан амалиётда фойдаланиш аҳоли барча қатламларининг турмуш даражасини оширишни ва моддий фаровонлигини яхшилашни англатади. Умуман, импорт ўрнини босишининг комплекслилиги одатда, янгича сифатга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг таъмин этилишини кўзда тутувчи ўзининг ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажralиб туради, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг аҳоли турмуш фаровонлигига узвий боғлиқлигини ва мазкур икки жараённи ўзаро мувофиқлаштириб боришни тақозо қиласиди.

### ***Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. Индекс производственного потенциала ЮНТКАД: в центре внимания — не имеющие выхода к морю развивающиеся страны. *Saytda mavjud: https://unctad.org/system/files/official-document/aldc2020d2\_ru.pdf (tashrif vaqt: 27.10.2022 y).*
2. Новый доклад Всемирного банка выявил возможности для социально-экономического развития Узбекистана. *Saytda mavjud: https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/05/18/uzbekistan-systematic-country-diagnostic (tashrif vaqt: 27.10.2022 y).*
3. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси-Тошкент: "Ўзбекистон" нашириёти, 2021.464 бет.
4. Семенов А.М. Политика импортозамещения в развитии фармацевтической промышленности России: автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2014.
5. Ченери Х., Картер Н. Внутренние и внешние аспекты планов и процесса экономического развития // Конференция по долгосрочному планированию и прогнозированию. М., 1972.
6. Chenery H., Straut A. Foreign Assistance and Economic Development // American Economic Review. 1966. Vol. 56.
7. Итуэлл Дж. Импортозамещающий и экспорт ориентированный экономический рост // Экономическая теория / Под ред. Дж. Итуэлла. — М.: Инфра-М, 2004. — С. 430-433.
8. Пребиш Р. Периферийный капитализм: есть ли ему альтернатива / Соср. пер. с исп. под ред. чл.-корр. РАН В.В. Вольского и д.э.н. И.К. Шереметьева. М.: ИЛА РАН, 1992.
9. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. 4.1. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. - М.: Международные отношения, 1997. - 416 с.
10. Бодрунов С.Д. Теория и практика импортозамещения: уроки и проблемы / монография / С.Д. Бодрунов. - СПб.: ИНИР им. С.Ю. Витте, 2015. - 171 с.
11. Кадочников П. А. Влияние импортозамещения на процессы экономического роста в переходной экономике / Дисс... канд. экон. наук. - М., 2005. - 230 с. - <http://economy-lib.com/vliyanie-importozamescheniya-na-protsessy-ekonomicheskogo-rosta-v-perehodnoy-ekonomike>
12. Старовойтова О.В. Импортозамещение в условиях малой открытой экономики: автореф. дис. канд. экон. наук / О.В. Старовойтова. - Минск: Белорусский гос. экон. ун-т, 2011.
13. Абулкасимов Х. П, Расулов Т. С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и среднего Востока -Т.: «ТашГИВ», 2017.- 380с.
14. Вахабов А.В. "Жаҳон амалиётida инновацион ривожланиши тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг айrim жиҳатлари" "Иқтисод ва молия" журнали -Т.:2016.№11.-Б. 2-10.

15. Чепель, С. В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: монография. — Ташкент: IFMR, 2014. — 316 с.
16. Абдухакимов, А., Эшпўлатов, Д., Халимжонов, Д., & Бегимкулов, Ж. (2022). Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиши сифатини аниқлаш ва унинг кўрсаткичлари таҳлили. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(4), 16-31. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/560>
17. Макаров, А.Н. Импортозамещение как инструмент индустриализации экономики региона. Инновационный аспект. На примере Нижегородской области / А.Н. Макаров. — Текст : непосредственный // Инновации. — 2011. — № 5. -С. 90-93.
18. Вахобов А.В., Тожибоева Да.А., Хожибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма./ проф. А.Вахобовнинг умумий таҳрири остида.Т.: Молия-2011. 287-с.
19. Волкодавова Е.В. Реализация стратегии импортозамещения продукции на российских промышленных предприятиях.//Экономические науки.2009.№12 С.281-286.
20. Фальцман В.К. Форсирование импортозамещения в новой geopolитической обстановке.// Проблемы прогнозирования. 2015. №1. С. 22-32.
21. Akmal, A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). Current state of impact of foreign investment on the quality of economic growth of the country and regions in Uzbekistan. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 12(4), 24-29.
22. Akmal, A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). Theoretical aspects of industrial policy implementation. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(4), 19-23.
23. Akmal A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). The impact of financial literacy growth on entrepreneurship activity and income level growth. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(4), 24-29.
24. Abduvokhidov A. A. et al. Mechanisms of import substitution policy in the region //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 12. – С. 45-59.



### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Маманазаров Мансур Абдухакимович -**  
ЎзМУ маркетинг ва талабалар  
амалиёт бўлим бошлиғи

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a4](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a4)

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларниң устувор йўналишлари ва истиқболларини белгилашда давлат комплекс таркибий сиёсатини амалга ошириш тадбирлари мажсуми ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, таркибий ислоҳотлар орқали узоқмуддатли барқарор ўсишининг пойдеворини яратиш бўйича илмий-услубий ва амалий тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

**Ключевые слова:** миллий иқтисодиёт, ЯИМ, саноат, инвестиция, ишлаб чиқариш, тақрор ишлаб чиқариш, солик ва кредит, кичик ва ўрта тадбиркорлик.

### УСТОЙЧИВЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИЗМЕНЕНИЯ СОСТАВА В МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Маманазаров Мансур Абдухакимович -**  
Заведующая отделом маркетинга и студенческой практики  
Национального университета Узбекистана

**Аннотация.** В данной статье разработан комплекс мер по реализации комплексной государственной политики по определению направлений структурных изменений в условиях модернизации национальной экономики. Кроме того, даются научно-методические и практические предложения и рекомендации по созданию фундамента долгосрочного устойчивого роста за счет структурных реформ.

**Ключевые слова:** национальная экономика, ВВП, промышленность, инвестиции, производство, воспроизводство, налог и кредит, малое и среднее предпринимательство.

### SUSTAINABLE DIRECTIONS AND PROSPECTS OF CHANGING THE COMPOSITION IN MODERNIZATION OF THE NATIONAL ECONOMY

**Mamanazarov Mansur Abdulkakimovich -**  
Head of Marketing and Student Practice Department,  
National University of Uzbekistan

**Abstract.** In this article, a set of measures for the implementation of the comprehensive policy of the state in the modernization of the national economy has been developed. In addition, scientific, methodological and practical proposals and recommendations are given for creating the foundation for long-term sustainable growth through structural reforms.

**Keywords:** national economy, GDP, industry, investment, production, reproduction, tax and credit, small and medium business.